# Бугун – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ куни

2 (384)

2004 йил 14 январь

Чоршанба

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда



2-саҳифада
- Мардлар қўриқлайди Ватанимизни
- Мудофаада матонатли ўғлонлар турибди!

3-саҳифада
- Қонун лойиҳаси — муштарийлар муҳокамаси учун

4-саҳифада
- Зиёратнинг қутлуғ заҳматлари
- Шуҳратнинг азобли кунлари


● Ифтихор

## ВАТАН МЕҲРИ ЮРАКЛАРГА ҚУВВАТДИР

**Дунё яралибдики, ҳудуд мудофаасини таъминлаш, уни дахлсиз сақлаш туйғуси инсониятни беҳаловат этиб келади. Ер юзида давлат бошқаруви шакллана бошлаган даврдан буён уни қўриқлаш тушунчаси кишилар онгига сингиб кетган. Каттами, кичикми давлатнинг мудофаа қудрати унинг тараққиёти ва нуфузи учун асосий омил эканини англамаган замондошни топиш маҳол.**

Шу боис Ватан мудофаасида иштирок этиш ҳар бир фуқаро учун ор-номус, шаън ҳимоясидек муҳим ҳисобланади. Эр етган йигитларимиз ҳарбий хизматни ўташни шараф деб қабул қилмоқдалар. Ваҳоланки, бундан ўн беш-йигирма йиллар аввал ота-оналар фарзандларини турли йўллар билан ҳарбий хизматдан олиб қолишнинг чорасини излашарди. Собиқ иттифоқ таркибида ўтказган йилларимиз давомида минглаб ўғлонларимиз иттифоқ армиясида ҳукм сурган бебошликлар ва тартибсизликлар туфайли ҳарбий хизматдан руҳий ва жисмоний азият чекиб қайтардилар. Нега, қандай туйғу билан бурч ўтаётганликларини англаб-англамай хизматдан қайтар эдилар. Энди-чи? Энди юқоридаги ҳолатнинг тамомила акси: йигитларимиз мустақил армиямиз сафларида ҳам маънан, ҳам жисмонан кучга тўлиб, қайтмоқдалар. Куч-қудратларининг, ҳарбийда ўтган кунларининг маъносини теран англаб, бундан фахрланадилар.

Давоми 2-саҳифада

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ - УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилган ва биринчи ўқишда маъқулланган эди.

Ушбу лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа билан муштарийларимиз газетамизнинг ушбу сонида танишишлари мумкин.

3-саҳифада

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Эргашев Ғанишер Эрматович** — Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейининг директор ўринбосари

**Леонтьева Валентина Александровна** — Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юртининг катта ўқитувчиси

**Раҳимов Эркин Муҳамаджонович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"**

**Мирзаев Тоҳир Қамбарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси

**Муҳаммадиев Ўрол Лафасович** — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — терговҳ бошқармаси бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Зайнуллина Раиса Зарифовна** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори

**Қаршибоев Фахриддин Жумақулович** — Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлими бошлиғи

**Муҳамедов Ҳуснуддин Зуҳурович** — Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**

**Гулзоров Юнус Алиевич** — Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

Давоми 2-бетда




## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ - ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

***Юртимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн икки йиллиги кенг нишонланмоқда***

13 январь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига Қуролли Кучларимиз вакиллари, меҳнат ҳамда армиямиз фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқа тармоқлар қаторида ҳарбий соҳани ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатаётгани, замон талаби ва халқаро андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз ташкил топгани, миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати экани таъкидланди.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - буюк келажагимизни барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди.

Йигитларимиз учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституциявий бурчини адо этишдангина иборат бўлиб қолмасдан, нуфузли ва шарафли ишга айланмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг шахсий таркиби мустақил Ўзбекистонимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашдек шарафли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратини, маҳоратини аямайди, ҳамиша сергак туради, деб таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Тўйчиева Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 январдаги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда ана шу мукофотлар тантанали вазиятда топширилди.

Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг «Энг яхши сержант», «Энг яхши жанговар гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири» номинациялари бўйича танлов байрам арафасида якунланди. Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар, Миллий хавфсизлик хизматининг қисм ва қўшилмаларида, ҳарбий округларда босқичма-босқич амалга оширилган танловда 68 нафар ғолиб аниқланди. Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғаларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошлиғи, генерал-майор И.Эргашев топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан катта лейтенант О.Қосимов ва сержант У.Ширинов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

/ЎзА/

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!**
**Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!**

Авваламбор, сизларнинг барчангизни бугунги қутлуғ айём - бутун халқимиз кўтаринки руҳ билан нишонлаётган Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш - шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган.

Кўҳна ва шонли тарихимиздан яхши биламизки, халқимиз мана шундай фидойилик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фарзандларини ҳамиша юксак қадрлаган, уларнинг жасорати ва салоқатини қўшиқ ва достонларда тараннум этган.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда, узоқ ва яқин атрофимизда тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарларни, бутун инсониятга катта хавф солаётган халқаро терроризм балосини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган миллий армиямизни барпо этиш, уни ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган Қуролли Кучларга айлантириш ҳозирги кунда энг долзарб ва устувор давлат вазифаси бўлиб қолмоқда.

Биз бугун Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, янги, профессионал замонавий армияни барпо этиш мақсадида кейинги йилларда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бу йўлда қўйган қадамларимиздан мамнун бўлишга албатта ҳақлимиз.

Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида гапирганда, авваламбор юртимизнинг жуғрофий ва геосиёсий шароитини, минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хослигини, мамлакатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ англаган ҳолда, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланган, юксак маҳорат ва жанговар руҳга эга бўлган Қуролли Кучларни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Шу борада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва охирига етказиш, жумладан, жанговар низомларни, норматив тартиб ва қоидаларни янада такомиллаштириш, қўшин турларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, кичик офицерларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига, айниқса, армиямизнинг ўзаги бўлган сержантлар мактабларининг тўлиқ шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Энг асосийси, ҳозирги пайтда армия сафларида хизмат қилиш ҳар қайси йигит учун унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажаришгина эмас, балки барчанинг ҳавасини тортадиган шароитда давлат хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги ғоят мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифани адо этишга, ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташдек шарафли ишга айланиши даркор.

Бу соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, армиямизнинг таркиб ва бошқарув жиҳатидан янгича негизда ташкил этилаётгани, муддатли ҳарбий хизматнинг 12 ой этиб белгиланганı, янги - сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилингани, ҳарбий қисмларнинг моддий базаси, хизматчиларнинг эса таъминоти ва маошлари оширилгани ҳам ана шу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни илғор усул-услублар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонавий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда, иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдига янги, юксак талаблар қўймоқда.

Шу билан бирга, биз Қуролли Кучларимизнинг халқаро алоқаларини, НАТО ва Евроатлантик ҳамкорлик уюшмаси каби халқаро ташкилотлар, турли давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш, жумладан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш - ҳаётий зарурат эканини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири - ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини янада яхшилаш, эски маънодаги казарма деган тушунчадан бутунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офицерларимизни ривожланган давлатлар армияларидаги каби барча қулайликларга эга бўлган замонавий тураржойлар билан таъминлаш, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун муносиб шароит яратиб бериш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, биз халқимизнинг асрий орзуси бўлмиш мустақиллигимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш ва ҳимоялаш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бунинг учун аввало бугунги кун талабларига жавоб берадиган миллий армияни барпо этишимиз, унинг салоҳияти ва маҳоратини оширишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Бу кенг маъноли, теран ҳақиқатни барчамиз яхши англаб, тушуниб олишимиз даркор.

Сиздек мард ва довюрак фарзандларимиз Ватанимизнинг тақдири, халқимизнинг бугуни ва келажагини, оналаримиз ҳаловатини, аёлларимиз, опа-сингилларимиз шаънини, болаларимизнинг қувноқ овозини, мусаффо осмонимизни сақлаш учун Оллоҳ таолонинг ўзи ато этган фазилатларни, белингизда, билагингизда бўлган куч-қувватни тўла сафарбар этасиз, деб ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуғ шодиёна билан яна бир бор муборакбод этар эканман, ҳар бирингизни бағримга босиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жанговар фаолиятингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва омадлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

● Йилимиз мазмуни

## СПОРТ РИВОЖИ – МЕҲР ВА МУРУВВАТ КЎРИНИШИ

Меҳр ва мурувват сўзининг маъносини англамайдиган инсон йўқ. Юртбошимиз таклифи билан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилидаги мазмун ва моҳият янада теран ва кенгроқ. Ҳа, бу иборанинг асл маъноси инсоннинг инсонга қиладиган яхшилик, меҳрибонлик, маънавий ва моддий кўмак каби инсоний ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Ушбу йилнинг мақсади унинг мазмунини ўзгартиришдан иборат эмас, аксинча, эътироф этганимиздек, уни теранроқ, кенгроқ англаб ҳаракат қилишга даъват этишдир.

Яқинда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов болалар спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳам Меҳр ва мурувват кўрсатишнинг ёрқин бир кўриниши эканлигини ҳақли равишда эътироф этдилар. Бу фикрни англаб етиш учун кўп изоҳ зарур эмас. Зотан қайсидир юртдошимиз, бирон бир давлат ёки нодавлат ташкилот ҳиммати билан юзага келган спорт мажмуи, олиб берилган спорт анжомлари нимага хизмат қилишини ва бундан қай даражадаги меҳр ва мурувват намоён бўлишини сезиш ҳам унча қийин эмас. Бу борада мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳри маҳаллаларида амалга оширилган ишлар мамлакатимиз Президенти томонидан ибрат қилиб эътироф этилди.

Ўтган йил сўнгида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Ўзбекистон Мустақиллиги маҳалласида спортнинг талайгина турлари билан шуғулланиш мумкин бўлган болалар спорт мажмуи маҳалла болалари ихтиёрига топширилди. Буни ким қилди денг? "Ўзбекистон овози" таҳририяти. Тўғри, таҳририят ҳам маблағи ошиб-тошиб ётган ташкилот эмас. Аммо шу ишнинг моҳияти таҳририят раҳбарларини шундай йўл тутишга чорлади.



Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собир ака Комиловнинг ўз маҳалласида амалга оширган ишлари ҳақида гап кетса, анча қоғоз қораланади. Ўтган йили Собир ака Юртбошимиз фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлангани бежиз эмас, албатта. Унинг ўз маблағи ҳисобига барпо этган спорт майдончасидан нафақат мазкур маҳалла болалари, балки кўплаб қўшни маҳаллалар болаларининг ҳам оёғи узилмайди. Натижани қарангки, айнан шу ҳудудларда болалар иштирокидаги жиноятлар деярли йўқ. Бу хайрли ишлар пулли спорт машғулотларига қатнай олмайдиган қанчадан қанча оилалар болаларига нисбатан меҳр ва мурувват кўрсатиш намунаси эмасми?

Бундай мисолларни санаб саноғига етмайсиз. Аммо мамлакатимиз миқёсида оладиган бўлсак, булар ҳали жуда кам. Ҳар ҳолда Юртбошимизнинг даъватини ана шу нуқтаи назардан тушунмоқ, ишга киришмоқ вақти бугун.

**Чори ЛАТИПОВ**

## Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан

**2004 йил 13 январь куни соат 19.27 да Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида Термиз-Тошкент йўналиши бўйича 11-54 рейсни бажараётган ЯК-40 самолёти қўниш чоғида ҳалокатга учради.**

**Ҳалокат оқибатида 32 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди. Воқеа содир бўлган жойда авария-қутқарув хизматлари иш олиб бормоқда. Ҳалок бўлганларнинг тўлиқ рўйхати матбуотда эълон қилинади.**

**Ташкил этилган ҳукумат комиссияси ҳалокат сабабларини аниқлашга киришди.**

**Мамлакатимиз раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.**

● Ҳаж - 2004

## БЕШИНЧИ АРКОН МАСЪУЛИЯТИ

Бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас ибодат бўлган ҳаж мавсуми бошланди. Яратганга шукроналар бўлсинким, диёримиздан муборак сафарга борадиган ҳожиларнинг тайёргарликлари ниҳоясига етди. Шу кунларда юртдошларимиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» кемаларида Тошкент-Жидда йўналиши бўйлаб ҳаж зиёратига йўл олмоқдалар.

Бисмиллоҳ раҳмонир раҳийм.

Маълумки, ҳижрий йил ҳисоби бўйича шаввол ойи кириши билан мўмин-мусулмонлар муқаддас сафарга руҳан ва жисмонан тайёрланиб, Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда ҳажга боришни ихтиёр этади. Ислом дини фарзларидан бири ҳаж амалини адо этишлик Маккаи Мукаррамадаги Байтуллоҳни ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилиб руҳий покланишдир.

Истиқлол шарофати билан Ватанимизда эътиқод эркинлигига катта эътибор берилмоқда. Республикамиз раҳбарияти муборак сафарга отланганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, жойларда уларга бир қанча қулайликлар яратиб бермоқда. Мана бир неча йилдирки, Ватанимиздан ҳаж сафарига борувчиларни соғ-саломат уюшган ҳолда бориб келишлари таъминланмоқда.

Албатта, бу хайрли ишда давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб биламан. Бу ишни адо этиш диний идора зиммасида эканлиги бизларга катта шараф ва масъулият юклайди. Ҳаж сафарини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказишга, зиёратчиларнинг талаб ва эътиқодларини одилона ва оқилона қондиришга, уларга қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

(Давоми 4-бетда)


Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:148**

**Ҳомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:**
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

**Муассислар:**
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

# Оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари қандай сайланади?

*Лойиҳа*

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ҳамда овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

**4-модда.** Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштироки ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур этиш мақсадида, шунингдек уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни вояга етган ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

**5-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишдаги ошкоралик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

**6-модда.** Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан 2,5 йил муддатга сайланади.

**7-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

#### II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**8-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**9-модда.** Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Комиссияга аъзо шахслар орасидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

**10-модда.** Комиссияларнинг ваколатлари

Комиссиялар:

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради;

фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари (бундан буён матнда ишчи гуруҳлари деб юритилади) тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

**12-модда.** Ишчи гуруҳининг ваколатлари

Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

фуқаролар йиғини иштирокчилари рўйхатга олинишини амалга оширади;

тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

зарурат бўлганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда чақирилади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Вакиллик нормаси тегишли фуқаролар йиғини низомида белгиланади.

#### III. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ВАЗИФАСИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

**14-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига топширилади.

**15-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**16-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

**17-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

#### IV. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ҲАМДА НАТИЖАЛАРНИ АНИҚЛАШ

**18-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида овоз бериш шакллари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

**19-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича саноқ комиссияси

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч нафар кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади. Саноқ комиссияси очиқ овоз бериш орқали сайланади.

**20-модда.** Очиқ овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

**21-модда.** Яширин овоз бериш ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида йиғин иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилиялари алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенига бир нечта муқобил номзод киритилган бўлса, овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

**22-модда.** Овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш очиқ ёки яширин ўтказилганида саноқ комиссияси томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича овозлар санаб чиқилади.

Яширин овоз бериш ўтказилганида сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

**23-модда.** Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённомани саноқ комиссиясининг раиси ўқиб эшиттиради ва баённома фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

**24-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш

Фуқаролар йиғинида иштирок этган шахсларнинг ярмидан кўпининг овозини олган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига номзод сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига сайлов якунлари фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

**25-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**26-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайловида такрорий овоз бериш

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

**27-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисининг такрорий сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисининг такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

**28-модда.** Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчисининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

#### V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**29-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайлайди.

**30-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш

Фуқаролар йиғинининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари хусусидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**31-модда.** Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*

*700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.*

*Телефонлар: 139-82-66, 139-85-95.*

Mahalla

